

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN FARZDIR

Ziyo chashmasi


ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

01.09.2017 № 9 (257) ISSN-2010-9393 ziyo-chashmasi@umail.uz 1993-yil 21-martdan chiqq boshlagan



ФИБОЙУНГ БЎАГАЙМИЗ СЕНУ, ЎЗБЕКИСТОН!

1 Сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни!



ХАБАРЛАР/ЯНГИЛИКЛАР

МАХСУС СИРТКИ БЎЛИМ ОЧИЛДИ

Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртки бўлимларни ташкил этиш тўғрисида 2017 йил 9 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3183-сонли қарори қабул қилинди.

Педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил этиладиган олий таълим муассасалари рўйхати тасдиқдан ўтди. Қарорга мувофиқ Жиззах давлат педагогика институтида махсус сиртки бўлим ўз фаолиятини бошлади.

Институтимиз таркибиде ташкил этилган махсус сиртки бўлимнинг бакалаврият таълим йўналишларига кўра қабул ўрта махсус, касб-хунар маълумотига ҳамда камида уч йил педагогик амалий иш стажига эга бўлган, мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари идо-

ралари томонидан бериладиган тавсияномага эга педагог кадрлар ҳисобидан амалга оширилади.

Махсус сиртки бўлимда ўқиётган талабаларга имтиҳонлар, синовлар топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтида уларнинг ойлик маошлари асосий иш жойида сақланган ҳолда бир ўқув йилида икки марта бир ойдан ўқув таътиллари берилди. Бунда, ўқув таътиллари қонда тарихида умумтаълим муассасаларидаги қишки ва ёзги таътил вақтига тўғри келган даврда берилди ва уларга белгиланган тартибдаги йиллик меҳнат таътиллари бериш тартиби ҳам сақланиб қолади.

Дилшода ҚУРБОНОВА,
«Зиё чашмаси»нинг
жамоатчи муҳбири.

ХОРИЖ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориде жумладан, энг илғор хориж тажрибасига таянган ҳолда ўқув адабиётлари, ўқув-методик комплексларни жамлаб чиқиш ва жорий этиш, истиқболли ёш педагоглар ва докторларни етакчи хорижий таълим муассасаларига стажировкага юбориш каби вазифалар белгилаб берилган.

Институтимизда ана шундай вазифаларни бажариш йўлида бир неча хорижий олий ўқув юртлари билан алоқаларни йўлга қўймоқда.

Биз билан ҳамкорлик қилаётган хорижий олий ўқув юртларидан бири Россия

Федерациясидаги Бошқирдистон давлат университети бўлди. 2016 йил 22 мартдаги икки томонлама шартномага мувофиқ 30 нафаргача талаба, магистр, аспирант ва докторантларда тажриба алмашиш имконияти туғилди. Институтимиз ўқитувчиси, физика-математика фанлари номзоди Обид Абдуллаев ушбу илк стажировкада бўлди.

2017-2018 ўқув йилида машина-технология йўналиши бўйича Муҳаммадали Мирзаев бакалаврият, математика йўналиши бўйича институтимизни битирган Нурбек Исаев магистратурага ўқишга юборилди.

Илмий ҳамкорликни бундан буён янада кенгайтириш режалари белгиланмоқда.

А. Шарипов

ТАЪЛИМДАГИ МЕЗОН

МАСЪУЛИЯТ ВА ИНТИЗОМ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА МУВОФИҚ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МАЗМУНИНИ ТУБДАН ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ, ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ДАРАЖАСИДА ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ МАҚСАДИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ 20 АПРЕЛДАГИ "ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ПҚ-2909-СОН ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

Мазкур қарор билан олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланган.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишдаги ислохотларнинг манткий давоми бўлди.

Таълим соҳасида илмий ва ижодий фикрлашга эга, салоҳиятли кадрларни тай-

ёрлаш, шу билан бирга, таълим тизимини тараққий топтириш ҳамда олий таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари раҳбарлари, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари зиммасига кадрлар буюртмачилари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш мазмуни, битирувчиларнинг билим ва кўникмасига қўйиладиган талабларни белгиловчи олий таълим йўналишлари малакавий талаблари, ўқув режалари ва дастурларини соҳа эҳтиёжидан келиб чиқиб, янгидан ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ишлаб чиқариш стажировкаларини жорий этиш, энг илғор хориж тажрибасига таянган

ҳолда ўқув адабиётлари, ўқув-методик комплексларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, истиқболли ёш педагоглар ва докторантларни етакчи хорижий таълим муассасаларига стажировкага юбориш, улар учун махсус стипендиялар ажратиш каби вазифалар юклатилди.

Қарор билан жорий ўқув йилидан олий таълим муассасалари талабаларининг тегишли таълим йўналишлари бўйича муайян ташкилотлар ва корхоналарда малакавий амалиётлари тизимли равишда ўтказилиши, шунингдек, уларнинг амалий машғулотларини бевосита ишлаб чиқаришда ташкиллаштириш ва битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича аниқ чоралар кўриш белгилаб қўйилди. Ижтимоий соҳада ёш олимлар, изланувчилар ва докторантлар учун кенг имкониятлар яратиш ҳам ҳужжатда ўз ифодаси-

ни топган бўлиб, унда амалиётга татбиқ этилган иш муаллифларини, ихтиро эгаларини моддий рағбатлантириш назарда тутилди.

Янги ўқув йилидан бошлаб ҳар бир олий таълим муассасасида барча курсларда камида 2 та гуруҳда мутахассислик фанларини инглиз тилида ўқитишни босқичма-босқич ташкил этиш, ўз навбатида инглиз тилида дарс ўтадиган профессор-ўқитувчиларни мақсадли тайёрлаш жараёнига бошқача ёндашув талаб қилинмоқда. Шу мақсадда профессор-ўқитувчиларнинг хорижда тегишли тайёргарликдан ўтишини ташкил этиш, машғулотларни олиб боришга хорижий мутахассисларни жалб қилиш каби масалаларга жиддий эътибор қаратилган.

(Давоми 3-саҳифада)

УЛУФ ИНСОН ЁДИ

2-сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотираси куни

2

Йиллар ўтади, асрлар ўтади. Янги авлодлар мутлақо янги жамиятда, жаҳоннинг энг илғор мамлакатларидан бирига айланган ҳур Ўзбекистонда яшайди. Она юрт тарихини, мустақил юрт тарихини ўрганади...

ИСЛОМ КАРИМОВ.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ АСОСЧИСИ


Халқимиз мустақилликнинг дастлабки мураккаб кунларини, турли фитналар таҳдид солиб турган таҳликали даврларни Ислон Каримов раҳнамолиги остида енгиб ўтди. Тинчлик, бунёдкорлик ва фаровон ҳаёт сари дадил кадам ташлай бошлади. Юртбошимиз гоёта оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволга тушиб қолган республикани муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолишга, чигал вазиятни қисқа вақт ичида тубдан ўзгартиришга эришди.

Юрт ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан обод бўлди. Ватанимизда кенг кўламли ислохотлар амалга ошди, иқтисодиётда қатор тармоқлар ривожланди, янги ларига асос солинди, кўплаб саноат объектлари барпо этилиб, ишга туширилди. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Ибодатлар эмин-эркин бажарила бошланди. Янги масжид, мадрасалар қурилди, таъмирланди. Минглаб юртдошларимиз ҳаж ва умра сафарига отланди.

Мустақилликнинг чорак асрлик солнома минг-минглаб бино ва иншоотлар, янги йўллар, кўприклар ва бошқа кўплаб қурилиш объектлари билан тўлиб-тошди. Шу қисқа муддат ичида Ўзбекистон дунёда иқтисодиёти энг жадал суръатлар билан ривожланаётган давлатлар қаторидан жой олди. Юрт ободлиги, сарҳадлар дахлсизлиги, турмуш фаровонлиги таъминланди. Буларнинг бари мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислон Каримов номи билан боғлиқ.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тинчликпарвар ташқи сиёсат олиб борувчи, ҳар қандай можарони фақат тинч йўл билан ҳал қилишни ёқловчи кучли давлат сифатида жаҳон майдонидан муносиб ўрин эгаллади.

Юртбошимиз миллий-маънавий кадрларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтарди. Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини оширишга катта ҳисса қўшди.



Мураккаб сиёсий вазиятларда, миллат, Ватан тақдирини, нафақат юртимиз ҳудудида, балки Ўрта Осиё минтақасидаги барқарорлик масаласи ҳал этилаётган оғир шароитларда юртбошимиз қатъият, метин ирода билан фақат тинчлик йўлини танлади. Ўзбекистоннинг мустақиллигини, халқ манфаатларини ҳимоя қилди, оғир синовлардан шараф билан ўтди.

Адиб Аҳмад Юғнакий "Қисқа яшаб, мангу умр кўрганларга боқинг", деганида Биринчи Президентимиз Ислон Каримов каби Ватан ва миллат тақдирини умрини тиккан ШАХСларни назарда тутган бўлса, ажаб эмас.

Фарҳод ҚўШНАЗАРОВ,
маънавият-маърифат бўлими бошлиғи.

ОЗОД ХАЛҚ ХОТИРАСИДА ЯШАМОҚ САОДАТИ

Истиқлолимиз меъмори, буюк давлат ҳамда сиёсат арбоби Ислон Каримовдан халқимизга озод ва обод Ватан қолди. Бугун Биринчи Президентимизнинг сўнмас хотираси қалбларимизда, ватанпарварлик, фидоийлик, ғайрат-шижоат, мардлик, олижаноблик, эзгулик нурларини сочиб турибди.

Жорий йилнинг 25 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги Президент қарори халқимиз истагини ифодалаган, қалб тўридан жой олган муҳим ҳужжат бўлди.

СССР тарихининг сўнгги икки йилида Ислон Каримов Ўзбекистон Коммунистик партиясининг биринчи котиби лавозимида ишлаб, республикага раҳбарлик қилди. Шу куннинг эртаси кундан ўзи ўйлаб юрган ва уни қийнаётган оғриқли муаммоларни катта-катта минбарларда кўтариб чиқди. Ислон Каримов бу борада миллий тарихга алоҳида эътибор берганлигига гувоҳ бўламиз.

У кишининг ташаббуси билан 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши фикимизни тасдиқлайди. Собиқ тузум даврида халқимизнинг нафақат моддий, балки, миллий кадр-қиммати топталиб, инсон ҳуқуқлари кўпол равишда бузилганди. Бу хўриқларга жим қараб туролмаган юрт раҳбари ватанпарварлик намунаси ва юксак маънавий жасорат кўрсатиб, совет тузумининг кўринмас кишанларини кўркмасдан синдириб ташлашни ўзининг бурчи, халқимиз олдидаги маъсуляти, деб билди.

Мустақиллигимиз қўлга киритилгач, И.Каримов миллий тарихини ўргатиш орқали ёш авлодни тарбиялашни муҳим зарурият сифатида кун тартибига қўйди. Юртбошимиз ўзининг, "Тарихий хотирасиз-келажак йўқ" номли асарини "Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса,

бундай инсонларни йўлдан уриш, ҳар-хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонларни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш - ҳаётдан жудо бўлиш демакдир", - деб ёзган эди.

Зеро, тарихни сиёсат даражасига кўтарар экан, уни инсон маънавиятини шакллантирувчи асосий мезон сифатида кўриб, зуқко ва узоқни кўра олган юртбоши ўша даврдаёқ, бугунги мафқуралар урушининг глобал тус олишини ақлан ҳис этган ва миллий тарихимизнинг ахборот хуружларга қарши ўткир қурол бўла олишини ақлан англаб етганди.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг саёй-ҳаракатлари билан ислом ҳуқуқшунослигининг улкан намояндаси, шайх ул-ислом Бурҳониддин Марғинович, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрори валий сингари улуг сиймоларнинг мероси қайтадан ўрганилди. Уларнинг номлари тикланиб, муаззам гўшалари гўзал зиёратгоҳларга айлантирилди. Уларга юксак эҳтиромлар кўрсатилди. Имом Бухорийнинг "Ал-Жоме ас-Саҳих" асари ўзбек тилига таржима қилинди. Сўнгги манзили муқаддас зиёратгоҳга айлантирилди. Аждодларимизнинг буюк хизматлари нафақат юртимизда, балки жаҳон миқёсида тарғиб этилди.

Ўтган давр мобойида амалга оширилган маънавият соҳасидаги ислохотлар ўз самарасини берди. Миллий тарихимиз тикланди. Халқ онгида миллий ўзликни англаш туйғулари шаклланди. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик даврида мутелекни билмайдиган, ўз мустақил фикрига эга, жаҳон мафқуравий курашлар майдонида собитқадамлик билан фаолият юрита оладиган янги авлод шаклланди. Ислон Абдуғаниевич Каримов ёди бу авлод қалбида мангу яшайди.

Фаррух АКЧАЕВ,
тарих факультети
маънавий-маърифий
ишлар бўйича декан ўринбосари.

1989 йилнинг 24 июнида - республика раҳбари сифатида иш бошлаганининг иккинчи куни Ислон Каримов Ўзбекистан Министрлар Советида бўлиб ўтган мажлисда Фарғона водийси областларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳақида нутқ сўзлаб, ҳар қайси вилоятдаги масъул шахслардан аҳолининг ижтимоий яшаш шароитлари ҳақида ҳисобот беришни талаб қилади. Ўз нутқида республикада вужудга келган жуда мураккаб оғир вазиятни таҳлил қилиб, мажлис иштирокчиларига "Биз бундан буюн эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди" дея, ўз фаолиятида эл-юртнинг дард-у ташвишлари энг олий мезон бўлиб қолишини очик баён қилади.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов халқни оғир кулфатлардан халос этиш, унинг озод ва мустақил ҳаётини таъминлашни ўзининг энг олий мақсади, фаолиятининг асосий мазмуни, деб билди. У мамлакатнинг биринчи раҳбари сифатида юртимизда тинчлик ва осойишталик ҳамда миллатлараро ҳамжиҳатликка муҳим эътибор қаратиб, бу гоёта мустақиллик гоёсининг ажралмас қисми сифатида қарайди.

Маълумки, ўзбек халқи қадимдан ўзининг бағрикенг, меҳмондўст, меҳр-шафқатлилиги билан машҳур. Бу фазилатлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида юртимизга кўчириб келтирилган халқларга бўлган муносабатда ҳам яққол кўринган эди. Бирок, собиқ Иттифоқдаги айрим бузуғчи кучлар таъсирида Фарғона водийсида 1989 йил май ойининг охири, июнь бошларида миллатлараро низолар бошланиб, бутун Фарғона вилояти аҳолиси даҳшат алангасида қолди. Фожиа оқибатида бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлиб, мингга яқин киши жароҳатланди.

1989 йилнинг 25 июнида Ислон Каримов жанжал ва тўлоллар авж олган Фарғонага йўл олди. Буюк жасорат соҳиби газаб отига минган одамларнинг ичига ҳаётини ҳавф-хатарга қўйиб, ҳеч қандай қўриқчиларсиз бир ўзи кириб борди ва улар билан чин дилдан гаплашиб, сўзларини тинглади. Шу вақтгача бирорта раҳбар уларнинг арзига қулоқ солмаган эди. Ўзбекистоннинг янги раҳбари И.А.Каримовнинг ҳар сўзи халқ дардида дармон бўлди, эртанги кунга ишонч, умид уйғотди. Бу эса Биринчи Президентимиз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб юрт ва халқ тинчлиги, омонлиги учун жонини бағишлаган, жонқур раҳбар бўлганидан дало-

латди.

Буюк Юртбошимиз Москва ва Тошкентда ўтказилган катта йиғилишлар ҳамда матбуотдаги чиқишларида Фарғона воқеаларининг асл моҳиятини очиб берди. У қўйидаги фикрларни алоҳида таъкидлайди: "Ўзбек халқининг виждони пок, Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тутуриқсиз ва гаразли мақсадларни кўзлаб, ким қандай буюк бермасин, тарих, албатта, ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Байналмилалчилик, меҳмондустлик, яхшилик, қалб саховати ўзбек халқига хос фазилат бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўпгина мисоллар билан исбот қилинган".

1990 йил июнида қўшни Қирғизистоннинг Ўш вилоятида ҳам ўзбеклар ва қирғизлар ўртасида миллатлараро низолар бошланиб, икки тарафдан ҳам қурбонлар бўлди. Мана шундай танг вазиятда И.А.Каримов "Токи мен Президент эканман, бирор ўзбек Қирғизистон чегарасини ёмон ният билан босиб ўтмайди, қандай сабаб бўлишдан қатъий назар қасос олишга йўл қўймайман" деб айтди, дейилади Л.Левитаннинг "Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида" китобида. Хуллас, мўъжиза туфайли республика иккинчи Қорабоғга айланишдан сақлаб қолинди. Бунга Биринчи Президентимизнинг аниқ позицияси, дошиманглиги, узоқни кўра оладиган стратегик эканлиги боис эришилди. Бундай жасорат дунёда камдан-кам учрайди.

1991 йил 9 декабрида Наманган шаҳрида бир гуруҳ

ХАЛҚПАРВАР ИНСОН ЁДИ МАНГУ ҚАЛБИМИЗДА

кўпуровчи кучлар вилоят ижроия қўмитаси биносини эгаллаб олиб, Ўзбекистонни ислом давлатига айлантириш даъвоси билан чиқдилар. Улар республика раҳбари билан учрашишни талаб қилишди. Ўша даврда И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзод эди. Ўз юрти ва халқи учун ҳаётини, бутун борлигини беришга тайёр бўлган буюк Юртбоши, жазавага тушган, жоҳил оломон орасига бир ўзи шиддат билан кириб борди ва улар қўйган 75 талабни эшитиб, бу мутлақо қонунга зид эканини ва ҳеч қачон яхшиликка олиб бормаслигини уқтирди. И.А.Каримов ўзининг дошиманглиги, мустаҳкам иродаси, салобати билан ловулаган ёнғинни сўндирди ва қон тўкишларнинг олдини олди.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан кейин давлат бошқарувининг Президентлик шакли ривожланди. 1991 йил 29 декабрда ўзбек халқи ўз хош-иродаси билан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлади. Муқобиллик асосда ўтган сайлов якунлари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 35-моддасига асосан, И.А.Каримов Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти лавозимига сайланди.

Буюк Йулбошчи ҳалокат ва жар ёқасида турган давлатни юксак тараққий эттириб, тенгларамо тенг қилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон ўз давлат рамзлари, расмий тили, миллий валютаси, жанговар армияси ва Конституциясига эга бўлди. Буларнинг барчаси Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган "Тараққийнинг ўзбек модели", эндиликда 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Харақатлар стратегияси меваларидир.

Бекзод МИРЗАЕВ.

ТАЪЛИМДАГИ МЕЗОН МАСЪУЛИЯТ ВА ИНТИЗОМ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

(Аввали 1-саҳифада)

Ижтимоий соҳада ёш олимлар, изла- нувчилар ва докторантлар учун кенг им- кониятлар яратиш ҳам қарорда ўз ифо- дасини топган бўлиб, унда амалиётга тат- биқ этилган иш муаллифларини, ихтиро эгаларини моддий рағбатлантириш на- зарда тутилган.

Олий таълим муассасалари битирувчи- ларининг меҳнат бозорида талабгорлиги ва профессор-ўқитувчиларининг илмий- тадқиқот ишлари натижалари амалиётга жорий этилиши самарадорлигига эътибор қаратилган бўлиб, бунда миллий рейтинг тизимида юқори кўрсаткичларни қайд эт- ган олий таълим муассасаларига ўқув жа- раёнининг алоҳида меъёрий-ҳуқуқий ҳуж- жатларини мустақил ишлаб чиқиш ва тас- диқлашда академик эркинлик бериллади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан док- торантларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишига моддий шарт-ша- роитлар яратиш мақсадида уларнинг ой- лик стипендиясининг 50 фоизигача миқ- дорда моддий рағбатлантирилиши ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилади, докторан- тура битирувчиларининг олий таълим му- ассасалари ва илмий-тадқиқот институт- ларига ишга жойлашиши, меҳнат фаоли- ятини рағбатлантириш учун базавий док- торантуранинг 2-курсидан имтиёзли ипо- тека кредитини 25 йил муддатга ажратиш механизми жорий этилади.

Қарорда яна бир муаммо - магистрату- рада кадрлар тайёрлаш тизимини тако- миллаштириш, уларни замонавий ёнда- шувлар асосида ташкил этиш масаласига жиддий эътибор қаратилган.

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб педа- гогика йўналишидаги олий таълим муас- сасаларида магистратура босқичида таъ- лим муассасаларининг бошқаруви мута- хассислиги бўйича кадрларни тайёрлаш- ни йўлга қўйиш, педагогика йўналиши- даги олий таълим муассасаларига тала- баликка қабул қилишда абитуриентлар

билан кириш тест синовлари билан бир қаторда уларнинг касбий лаёқатини аниқ- лаш бўйича ижодий сўхбат ўтказиш, пе- дагогика таълим йўналишларига давлат грантлари асосидаги қабул квоталари улушини ошириш орқали мақсадли қабулни ташкил этиш юзасидан Халқ таъ- лим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таъ- лим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда так- лифларни ишлаб чиқиб Ўзбекистон Рес- публикаси Вазирлар Маҳкамасига кири- тиш вазифаси белгиланган.

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазир- лиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Марказий банк, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясига бир- галикда уч ой муддатда таълим муасса- саларида фаолият олиб бораётган педа- гог кадрларнинг ижтимоий нуфузини ошириш, жамиятда педагогик фаолият- нинг обрўсини юксалтириш, педагоглар- ни ёшларга намуна ва ўрнак даражасига кўтариш, шунингдек, турли танловлар ва конкурсларда совриндор бўлган, ўқувчи- талабалари республика ва халқаро олим- пиадаларда, танловларда юқори натижа- ларни қўлга киритган педагогларга уй- жой, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган янги автомобиль, маиший-ҳўжалик жи- ҳозлари сотиб олишлари учун имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитларини аж- ратиш тартибини жорий этиш юзасидан таклифларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ки- ритиш вазифаси топширилган.

Бугунги кунда ёшлар тарбияси ўта дол- зарб масала эканини инобатга олган ҳолда талаба-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, таълим ва тарбия уйғунлигини амалда таъминлаш борасидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Ёшларга қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республи- каси Ички ишлар вазирлигига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан бир-

галикда ижарада турувчи талабаларни рўйхатга олиш тартибининг соддалашти- рилган шаклини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларини халқаро меҳнат бо- зорида юқори малакали рақобатбардош мутахассис-педагоглар ва илмий кадрлар билан ўз вақтида таъминлаш, уларни ма- гистратура ва PhD дастурлари бўйича тай- ёрлаш, талабгорларни малака ошириш ва стажировка ўташ, етакчи хорижий таълим муассасаларида таълим олиш учун тан- лаб олишни такомиллаштириш, уларнинг меҳнат ва илмий-педагогик фаолияти мониторингини олиб бориш, шунингдек, юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчилар ва мутахассисларни олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларининг ўқув жараёнига кенг жалб қилиш мақсадида бугунги кун талабларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Ис- теъдод" жамғармаси фаолият йўналиш- лари, мақсад ва вазифалари қайта кўриб чиқилди. Жамғарманинг номи "Ўзбекис- тон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошири- ши, стажировка ўташи ва таълим олиши- ни ташкил этиш "Истеъдод" жамғарма- си" деб ўзгартрилди.

Жамғармага Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тасдиқлан- ган Васийлик кенгаши раҳбарлик қила- ди.

Педагог ва илмий кадрларнинг чет эл- нинг нуфузли таълим ва илмий муасса- саларида малака оширишлари ва стажи- ровка ўташлари, олий таълим муасса- лари битирувчиларининг магистратура ва PhD дастурлари бўйича ўқишлари 2017/ 2018 ўқув йилидан бошлаб мақсадли дас- тур асосида амалга оширилади.

Хорижда малака ошириш, стажировка ўташ ҳамда магистратура ва PhD дастур-

лари бўйича таълим олишга юбориш тан- лов асосида амалга оширилади.

Танловни ўтказиш Жамғарма томони- дан ташкил этиладиган қабул комиссия- си зиммасига юкланади. Комиссия тан- лов натижаларини умумлаштиради ва уларни Жамғарманинг Васийлик кенгаши тасдиғига тақдим этади.

Жамғарма стипендиялари Васийлик кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқла- надиган мақсадли дастурлар асосида аж- ратилиб, чет элда таълим олиш учун тўла- надиган маблағ, чет эл визасини олиш учун тўлов, йўл харажатлари (бир йилда хорижга бориш ва келиш учун бир мар- талик авиачипта, темир йўл чипталари ва бошқалар), турар жой ва овқатланиш ҳақи, дарслик ва ўқув қўлланмалар сотиб олиш учун ҳамда бевосита таълим билан бог- лиқ бўлган бошқа харажатларни қамраб олади.

Бугунги кунда ёшлар тарбияси ўта дол- зарб масала эканини инобатга олиб, олий таълим муассасаларидаги маънавий-маъ- рифий ишлар бўйича проректорларнинг функционал вазифалари қайта кўриб чи- қилиб, уларнинг даврий малакасини оши- риш чоралари ишлаб чиқилди.

Жумладан, олий таълим муассасаси учун психолог ва ҳар бир талабалар ту- рар жойи учун тарбиячи-педагог штати- ни жорий этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш раз- ряди бўйича олий таълим муассасалари маънавият ва маърифат бўлими бошли- гининг лавозим разрядини 16-разрядга, бўлим ходимларининг лавозим разряди- ни 14-разрядга кўтариш, олий таълим муассасалари гуруҳ мураббийларининг фаолияти самарадорлиги ва масъулияти- ни янада ошириш, уларнинг доимий рағ- батлантириб борилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир гуруҳ мураббийига (жумладан, мураббийлар кенгаши раҳ- барларига) ойлик маошининг 25 фоизи- гача миқдорда устама ҳақ тўланишини таъминлаш тартиби жорий этилмоқда.

Таълим соҳасини ривожлантириш бо- расида амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинаётган қарорлар олий ўқув муассасалари жамоалари олдига ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифаларни қўйиши билан бирга профессор-ўқитув- чиларнинг масъулиятларини янада ошир- моқда.

● Экология ва биз

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ АСРАЙЛИК

Болани ниҳолга қиёслайди. Улар катта- лар меҳрига, ёрдамга муҳтождир. Йи- қилса— ўрнидан тургазамиз, хафа бўлса — овутамиз. Болани асраб-авайлагани- миздек, ниҳолни ҳам асраб авайлашимиз зарур. Чунки ниҳолнинг ҳам фойдали жи- ҳатлари жуда кўп.

Атрофимизни ўраб турган, бизга кийим-ке- чак, озиқ-овқат ва эстетик завқ берган табиат ўз навбатида бизнинг ёрдамимизга муҳтож. Би- нобарин, биз табиатни, ўсимликлар дунёсини, ўз химоямизга олмоғимиз, парвариш қилмоғи- миз керак. Биргина доривор ўсимликни хими- ямизга олиш билан аввало, ер қуррасининг чиройи, унинг водийлари гўзаллигини, турли-туман шифобахш ўсимликлар-у оромбахш табиатни асраган бўламиз. Қола- верса, улардан тўғри фойдаланиш орқали ўзимизнинг соғлигимиз учун ҳам ёш авлод соғлиги учун ҳам, келажак авлод учун ҳам катта фойда келтирган бўламиз.

Ўсимликларни химоя қилиш ўлларидан бири уларни қайси қисмини қачон йиғиб олишни билишдир. Шунда у йўл қимматини шифобахш хусусиятини сақлаб қолади. Мамлакатимиз ер-сув, тоғ-ўрмон, дашт-ўрмонларга бой ўлка. Талайгина кенг экин майдонлари, исталганча шифобахш ўсимликлар мавжуд. Шифобахш ўсимликлар билимдони, фармацевтик олим Қаҳҳор Ҳожиметовнинг таъкидлашича, "Табиатда бирор ўсимлик йўқки, доривор бўлмаса, ҳар бир ўсимликда зарарлилик хусусияти билан биргаликда дориворлик хусусияти ҳам мавжуд".

Шифобахш, маданийлаштирилган ўсимликларни заруратга қараб кўпайтирса бўла- ди. Ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликларни кўпайтириш бироз қийин. Юри- тимизда қуйидаги ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларнинг "Қизил китоб"га кирити- лганлари мавжуд: анор (ёввойи ҳолда ўсадигани), анжир (ёввойи ҳолда ўсадигани), бўзулбанг, етмак, тилларанг адонис. Улар биздан эҳтиёткорона муносабатда бўлишимизни талаб этади.

Кейинги йилларда табиатдан аёвсиз фойдаланиш натижасида доривор ўсимлик- лар захираси камайиб кетмоқда. Мисол учун Қорақамишда ширинмия ўсимлиги- нинг йиғиб олиншини олайлик. Бу ўсимликнинг илдизи дориворлик хусусиятига эга. Ўсимликнинг илдизи бир метргача қовлаб олиниб хорижга экспорт қилинмоқ- да. Бу эса ўсимликнинг камайиб кетишига сабабчи бўлмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, доривор ўсимликларни асраб-авайлаш бугунги кунимизнинг асосий талабалари- дандир. Доривор ўсимликларнинг инсон саломатлиги учун ниҳоятда аҳамиятли экан- лигини унутмаслигимиз зарур.

Шаҳруза ИМОМОВА,
биология йўналиши талабаси.



ТАЛАБАНИНГ ОТА-ОНАСИ...

● ФИКР

- Институтда шартнома асосида таҳсил- оламан, - дейди Акрам. - Контрактим олти ярим миллион сумдан ошади. Ижарага тўхсон минг сум тулайман. Майда-чуйда - картошка-пиёз, май-гўштини уйдан олиб келаман. Бундан ташқари, бошқа хара- жатларга ҳам ҳафтасига ўртача эллик минг сўм кетади.

Акрамнинг "учлик" - икки юз эллик минг атро- фиди оладиган стипендия- си бу харажатларга етмас- лиги аниқ. Қолаверса, бу- гунги талабанинг қўлида телефон бўлмаса "уят" қилишади. Уям бир одам каби "еб-ичади".

Демак, фарзандини ўқитаётган ота-онага қанча- лик оғир эканини билиш қийин эмас. Масалан, Ак- рамнинг отаси ўқитувчи, онаси уй бекаси. Кўриниб турибдики, рўзгор томор- қадан келадиган тушум ва отанинг маоши орқали теб- ралади.

Ота-она фарзанд учун ҳафталик пулни ердан су- пуриб олаётгани йўқ. Бу- гун болам келади, дея су- юнми қўлига пул тутади. Аммо ота-онанинг бера- ётган беминнат пулини фарзанд тўғри ишлатапти- ми? Ёки мақсадсиз ишлар- га чалғиб, ҳам пулини, ҳам вақтини ҳавога совурапти- ми? Ким ҳам ўз ота-онаси- нинг меҳнатини қадрла- майди, деган эътироз бўлиши мумкин. Лекин...

Менинг ўғлим ҳам тала- ба эди, - дейди Шарифа хола. - Бир куни уйимизга хат келди. Унда Фарҳод (ўғли) кўп дарс қолдирган- ни учун талабалар сафидан

чиқарилгани маълум қили- нибди. Ушандаги хола- тимни тасвирлаб берол- майман. Мен ўғлимга ишонган эдим, ундан умидларим катта эди. Кей- ин сабабини билсак, бо- лам ўқишга бормади, кўп вақтини шаҳар айланиш, компьютер ўйингоҳларида соатлаб ўтириш билан ўтказган экан. Ҳатто биз берган пулдан ташқари, курсдош дўстларидан ҳам анчагина қарз олибди. Очиғи, ўзим емасам ҳам ҳар ҳафта қўлига 40-45 минг сўмдан пул берар- дим. Икки йил контракт пулини тўлаган эдик. Ре- петиторга ҳам анча пули- миз кетганди...

Бу аёл шу ҳолатдаям ҳамма айбни фарзандига ағдармади. Балки ўзим институтга бориб, унинг ўқишдан хабар олиб тур- маганим учун шундай бўлгандир, дейди...

Тўғри, фарзандининг ўқишидан нафакат мактаб-

коллежда, ҳатто талаба бўлганидан сўнг ҳам му- нтазам хабар олиб туради- ган ота-оналар бор. Бунинг ижобий томонлари ҳам кўп. Чунки, ўз боласидан ташқари, бошқа талабалар- нинг ҳам ютуғу камчилик- ларини ўз кўзи билан кўра- ди-да. Қолаверса, фар- занд ҳам ўзидан умидвор бўлаётган яқинларининг жон куйдираётганидан, ҳеч бўлмаганда, виждони қий- налиб ўқишга интилади.

Баъзида талабага ота- онаси бошқалардан кам бўлмасин, деб керагидан ортик пул, телефон, ҳатто машина олиб беришади. Табиатнинг бир қатъий қонуни борки, тўқлик ўз ортидан шўхлиқни етак- лайди. Энг ёмони, бу беоз- зор шўхлик бўлмай, ло- қайдлик, ўзгалар меҳнати- ни қадрламаслик, енгил- елни ҳаётга ўрганиш бўлса-чи...

Исомиддин ПҮЛАТОВ.

МУАЛЛИФГА 5 САВОЛ

КИТОБЛАРДАН ОБ ҚОЛИНГ...
ёхуд мажбурий сотилаётган айрим китоблар хусусида

Бир куни Насриддин Афанди йўлда кетаётса, кўзи бир йўғон тўнканинг устида турган китобга тушибди. Китобни олмоқчи бўлиб қўл чўзса, ғойибдан овоз келибди:

- Агар, китобга тегинсанг, орзуларингнинг бирортаси ҳам амалга ошмайди.

Афанди хайрон бўлибди. Индамай кетаётса, яна овоз келибди:

- Агар, китобга тегинмасдан кетсанг, ишларинг ортага кетади.
- Унда нима қилай, - дебди Афанди жаҳли чиқиб.

Шунда тўнканинг ортидан бир савдогар чиқиб шу китобни сотиб олсанг бўлди, дермиш.

Бу энди латифа бўлмай қолди. Чунки, бу — фалсафа. Савдогарлар ҳар доим ўз ишларини қилишади. Яъни, қандай

экан. Китобни олмаймиз, бунга пулимиз йўқ, дейдиган талабалар ҳар хил қийин топшириқлар, саволлар билан якуний имтихонлардан йиқитилармиш. Буни қандай тушуниш мумкин? **Таълимдаги таъмагирликми? Ёки таълим тadbиркорлиги-ми?**


Очиғи, ўйлаиб қолдим. **Уша ўқитувчилар талабаларининг ўзи ҳақидаги бундай фикрларидан хабардормикан?**

Бугун китоб нашр қилдириш унча қийин муаммо бўлмай қолди. Кимдир невараларига ўздан эсдалик қолиши учун, кимдир фалончи китоб чиқарибди, деган гап учун, яна кимдир эрмак учун китоб чиқаряпти. Майли, бунга қарши эмасмиз. ҳар бир инсон ўздан келажак авлодга эсдалик қолдиришни истади. Бу бошқа масала. **Аммо стипендияси ҳисобидан амалтақал кун кўрадиган, камига шартнома асосида ўқиётган талабага мажбурий китоб сотиш... Буни қандай изоҳлаш керак?**

Таълимда абадий ақида мавжуд. Ўқитувчининг ҳар бир ҳаракати шоғирдлари учун ўрнак. **Ўйлаб кўрайлик, аргумент, факт, илмий асосдан анча нари бўлган, арзмаган гаплар ҳисобига "бойитилган" 50-60 бетли ёзиқни (китоб дейишга тил бормаиди) фалон пулга сотаётган устоздан шоғирдлар қандай ўрнак олиши мумкин?**

Шу ўринда, айрим сотувдан "муваффақиятли" ўтган китобларни кўздан кечириб чиқдик. Китобларнинг ҳаммасини ҳам ёмон, дея олмаймиз. Улар орасида бўлажак мутахассислар учун қимматли маълумот берадиганлари ҳам бор. Аммо айримлари... Майли, бу борада ёши улуг, тажрибалироқ мунаққидлар фикр билдирилган маъқул. Бизнинг кичик хулосамиз эса айрим имловий хатолар ва гализ жумлалар билан чеклана қолсин.

...Ўзбек тили тарихан қадимги туркий тиллардан урчиган (?).



...Нил дарёси ўзанини илк бор улуг аллома бобомиз ал-Фарабий (?) илмий асосда ўрганган. ...Миллий музика (?) санъатимиз узоқ минг йилликларни ортада қолдириб, бизнинг XXI асрга ҳам етиб келди (?).

...Хижрон ва армон борасида Зулфия маънавий дунёси оламга ўрнак бўла олади (?)

Инсоф билан айтганда, бу каби имло ва услуби ночор, мантқининг кўчасидан ўтмаган жумлалардан иборат китоб ўқувчига нима бера олади?

Ривожланган давлатларда бир варақ тоза қоғозни беҳуда сарфлаш мамлакат иқтисодий ривожига қасд қилиш сифатида баҳоланаркан. ҳатто маъмурий жавобгарликка тортишлари ҳам мумкин экан. Шу жиҳатдан олиб қаралса, айрим хусусий нашриётлардан ихлоси қайтади кишининг.

Мухтарам Президентимизнинг илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувларида айнан қоғозни қадрлаш, унинг масъулиятини чуқур ҳис этиш зарурлиги бот-бот таъкидланди. Биз, ижод аҳлининг бир парча қоғозни ҳам жуда қадрлашимиз эътироф этилди. Халқ, давлат шундай ишонч билдириб турганда, тўғри келган нарсани оқ қоғозга тўқиб солавериб, ярамайди, бизнингча. Агар кимдир қоғозни соқов деб ўйласа, қаттиқ янгилашади. Унинг ҳам фикри, дунёқараш, ҳатто ижодкор фикрига раддиялари бўлади. Шунинг айрим "ижодкор" олимларимиз унутиб қўйишмасан бўлгани. Чунки олим дегани савдогар эмас.

Абдуғаффор АБДУРАҲМОНОВ.

Ўртача жиҳозланган хона. Туш-ликка яқинлашаётган пайт. Ота-ўғил тортишуви.

— Ҳадеб, одам бўлмайсан, деганингиз деган. Вақтни қадрламайсан дейсизми... ей... Нима қилишим керак?!

— Ҳа, нодон ёшинг йиғирма учга тўлди-ю, гапингни қара. Эр-талабдан буён нима қилдинг. Ётибсан-ку, ялпайиб.

ди ичида. Орада жимлик бошланди. Ота-бола сукутини эшик овози бузди. Кўлида сават кўтариб Зебо хола кириб келди. Ота-боланинг авзоеларига қараб ораларидан нимадир бўлганини сезди.

— Нима бўлди, — сўради эрига маънодор қилиб.

— Ўзимиз... Шаҳбозжон билан нималарнидир муҳокама қилаёт-

МУҲАББАТДАН ТУҒИЛГАН
ҚАРОР

ҲИКОЯ

— Нима қилишим керак?

— Дарвешларга ўхшамасдан соқолингни ол. Коллежга борар вақтинг ойда бўлиб юрардинг.

— У вақтлар ўқитувчилар уришиб турарди. Қолаверса кўчада юрсак, кимдир қарармиди... Ҳозир-чи?

— Бекорларни айтибсан. Ётмасдан излан, ҳаракат қил, ишла, пул топ.

— Ҳаммасига ўзингиз айбдорсиз. Вақтида ўқийман, институтга кирман, талаба бўламан деганимда, — ўқиганларни кўраяман. Оиласини зўрга боқаяпти-ку - дея шаштимдан қайтардингиз. Энди мана ўзимни ҳам боқишга тайинли ишим йўқ.

Ҳақли эътироз қисқа вақт отанинг озини ёлди. "Аттанг, бола пақирнинг гаплари тўғри" — айт-

гандик. Шаҳбоз индамасдан ҳовлига чиқди. Зебо хола пайтдан фойдаланиб Шохбозга эшитиларли қилиб гап бошлади:

— Овсиним Насиббахон билан Мирпўлат аканикига ўтсаммикан. Қизлари бирам сулув бўлибдики, шундоқ келиним бўлса қани эди. Ҳовлида бу гапни эшитиб турган Шаҳбознинг юраги тез-тез ура бошлади. Ўй-хаёллари айкаш-чўйкаш бўлиб кетди. "Отанинг айтганлари тўғри", ҳаёлга борди. Моҳинани яхши кўраман. Уйдагилари нима дейишаркин. Ўзгартишим керак. Тайинли иш топишим керак. Уни бахтсиз қилиб кўймаслигим лозим.

Бу унинг шу онда кўнгил қаъридан чиқаётган мустаҳкам, энг кучли қарори эди.

Йўлдош ФОЗИЛОВ.

Ёшлар ён дафтаридан

— Севгидан жароҳатланган инсонга кўнгил берма. Чунки, у сендан бинт ўрнида фойдаланади.

— Севги ажойиб арифметика. Мисол: 1+2=15. Тушунишинг жуда қийин. Севганларгина тушуна олади.

— Ишонмаганлигимиздан эмас, йўқотишдан кўрққанамиз учун рашк қиламиз.


— Йўлда уни кўрдим... Бегоналардек ўтиб кетди... Бир вақтлар бир-биримизсиз яшай олмас эдик...

— Ҳаётингизга шундай инсон келади. Қачонлардир сизни тарк этган инсонга ташаккур айтасиз...

— Севги ҳар қандай қисматга ҳам зарба бера олади.

— Севги шуки, у сени ҳеч кимга тенглаштирмайди. Билади. Дунёда энг яхшиси сенсан.

— Ўзим севганим учун ҳеч қачон севиб турмуш қурганлар бахтли яшаши қийин, деган фикрга қўшилмайман.



бўлмасин молини ўтказишади. Албатта, китоб сотиш ва сотиб олишининг ёмон томони йўқ. Аксинча, айни мудоао. Китобхон кишидан ёмонлик чиқмайди. ҳамма гап ўша китобнинг савиясида. Оладиган китобингиз пулига арзийдимиз, сизга маънавий озуқа бера оладими? Етарлича фойдалана оласизми?

Афандининг ўрнида бўлганингизда нима қилардингиз? Орзунигиздан айриларидингиз ёки йўлингизга равона бўлиб, ишларингизни чаппа кетишини хоҳлардингизми? Мен тинчгина китобни сотиб олган бўлардим.

Келинг, латифани кўйиб, реал ҳаётга қайтайлик. Яқинда таҳририятимизга келган ижодкор талабалардан бири билан суҳбатлашиб қолдим. Гап мавзунинг мажбурий тарзда китоб сотаётган ўқитувчиларга бориб тақалди. Айтишча, ректоратдагиларнинг қатъий қаршилигига қарамай арзмаган консептларини ҳам китоб қилиб сотаётганлар бор

Шукур сенга

Ёлғиз сени севдим дунёда,
Меҳр бирла сенга талпиндим.
Яшарсан сен ожиз қалбимда,
Паноҳингда нажотим билдим.

Юракгинам синовга бериб,
Балки, бугун гуноҳга қолдим.
Юпанч бердинг ёлғиз кунимда,
Масъ севгингла ўйландим, толдим.

Ёмон сўздан кўнглим ўксиса,
Яна менга кувонч улашдинг.
Тинмай қалбим орзулар қилса,
Орзуимга раҳмат етказдинг.

Пок сажданга шошаман нетай,
Ўзинг бизга бергин имонни.
Оқиратга гуноҳсиз кетай,
Кўрмоқдамиз бугун замонни.
Қалбимизда яшарсан илло,
Шукур сенга паноҳим Оллох.

Гуланом ҲАЗРАТҚУЛОВА,
чет тиллари факультети талабаси.

БИЛСАНГ-ЧИ...

Юракни ўртади сўзларинг,
Бир қараш қилмади кўзларинг.
Сезмайин изларман изларинг,
Билсам-чи ўт ёқиб кетибсан.

Не бўлди? Ўзгарди қарашинг,
Ҳаттоки сочларинг тарашинг,
Маънодир, нозларинг қарашинг,
Билсам-чи, асиринг этибсан.

Сокин куй чалмоқда ҳар оним,
Тургандек бўларсан ҳар ёним.
Сенсизликда қалбим, гирёним,
Билсам-чи, сеҳргар экансан.

Биргина сен бўлдинг гул эркам,
Шаҳзоданг ўзимдир маликам,
Айт момо ҳавоим, немиз кам,
Билсам-чи, ўт ёқиб кетгансан.

Давлат УСАНОВ,
ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаси.

МЕНИ МЕНДАН ИЗЛАМА...

Мени мандан эмас, ўзингдан изла,
Йўлингда ҳар босган изингдан изла.
Ажралишдик дея, йиғлама бекор,
Кўзларингда оққан ёшингдан изла.

Излама сен мени йиғлаб бекорга,
Ҳаётинг ҳар они, бил, борингданам.
Тополмай чексанг ғам, андуҳга ботсанг,
Кўзингни юмсанг бас мен ёнингданам.
Мени мандан эмас, ўзингдан изла...

Шаҳзод ШАКАРОВ,
тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси факультети талабаси.

2017 йил — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

ТАЛАБА БИЛАН МУЛОҚОТ

"Зиё чашмаси" газетаси таҳририяти жорий «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» моҳиятидан келиб чиқиб, "Талаба билан мулоқот" рукнини ташкил этади.

Асосий мақсадимиз институт ўқув-тарбия ишларида талабалар дуч келган муаммоли масалалар ечими ва мурожаатларидан газетхонларни хабардор қилиб боришдир.

Сўров ва мурожаатларга институт тааллуқли соҳаларнинг масъул раҳбарлари жавоб берадилар. Таҳририятга келган хатлар газетамиз орқали ёритиб борилади.

Ҳурматли талаба-ёшлар! Сиз таҳририятга хат орқали сўровингизга жавоб олишингиз мумкин. Таҳририятимиз имкони борича сиз билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр. Зеро, бу умумий ишимиз ривожига таъсир кўрсатади. Соғлом муҳит, шаффоқлик ривожига биргаликда ҳаракат қилайлик.

ТАҲРИРИЯТ.

Бош муҳаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

А. Холбеков
Қ. Ядгаров
Ф. Аҳмедов
М. Султонов
У. Жуманазаров

Б. Очилова
Ф. Аҳмедшина
С. Каримов
Ю. Каримова
Ф. Акчаев

МАНЗИЛ:

Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шоҳ кўчаси
144-уй. Жиззах давлат педагогика
институтини бош биноси, 2-қават.

Жиззах вилояти матбуот ва ахборот
бошқармасида 2006 йил 26 декабрда
06-017 рақами билан рўйхатга олинган.
Ойда бир марта чоп этилади
Баҳоси эркин нарҳда

Газета «Жиззах-принт»
босмаҳонасида офсет усули-
да чоп этилди.
Адади: 2700. Буюртма №
Босмаҳона манзили:
Жиззах шаҳри, Сайилқойи
кўчаси, 4-уй.

Таҳририятга келган хатлар
донимий диққат-эътиборимиз-
да бўлгани сабабли муаллиф-
ларга қайтарилмайди.
Газетадан кўчириб босиб
фақат таҳририят ёзма рухсат-
ти билан амалга оширилади.

Босишга топширилди: 31.08.2017 - 16:00
Навбатчи муҳаррир: Абдуғаффор АБДУРАҲМОНОВ
Техник муҳаррир: Орифжон ОДИЛОВ

МУАССИС:
Абдулла Қодирий
номидаги
Жиззах давлат
педагогика
институтини